



БАНКЛАРНИНГ ХУДУДЛАРНИ КРЕДИТЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ



Бўрибаев Эркинжон Нарбай ўғли

Гулистон давлат университети

докторанти, PhD

E-mail: boribayeverkinjon@gmail.com

ORCID:0009-0003-9113-7423

Аннотация. Мақолада тижорат банкларининг ҳудудларни кредитлашдаги аҳамияти ва унинг иқтисодий ривожланишга таъсири таҳлил қилинади. Ҳудудларни барқарор ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун банклар томонидан ажратиладиган кредитлар муҳим аҳамиятга эга. Бунда кредитлаш жараёнидаги асосий муаммолар — юқори фоиз ставкалари, паст молиявий саводхонлик ва инфратузилманинг ривожланмаганлиги каби масалалар ўрганилган. Мақолада шунингдек, Ўзбекистонда ҳудудий ривожланишни қўллаб-қувватлаш бўйича илғор хорижий тажрибаларга асосланган тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: ҳудудларни кредитлаш, тижорат банклари, иқтисодий ривожланиш, кичик ва ўрта бизнес, молиявий саводхонлик.

Abstract. The article analyzes the significance of commercial banks in regional lending and its impact on economic development. Loans provided by banks play a crucial role in supporting stable regional development and small and medium enterprises. The main challenges in the lending process, such as high interest rates, low financial literacy, and underdeveloped infrastructure, are examined. The article also provides recommendations based on advanced international practices to support regional development in Uzbekistan.

Keywords: regional lending, commercial banks, economic development, small and medium enterprises, financial literacy.

Аннотация. В статье анализируется значение коммерческих банков в региональном кредитовании и его влияние на экономическое развитие. Кредиты, предоставляемые банками, играют важную роль в поддержке стабильного развития регионов и малого и среднего бизнеса. Рассматриваются основные проблемы кредитования, такие как высокие процентные ставки, низкая финансовая грамотность и недостаточно развитая инфраструктура. В статье также даны рекомендации, основанные на передовом международном опыте, для поддержки регионального развития в Узбекистане.

Ключевые слова: региональное кредитование, коммерческие банки, экономическое развитие, малый и средний бизнес, финансовая грамотность.

Кириш. Худудларни кредитлаш амалиёти ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ўзбекистонда худудларни кредитлаш жараёни давлат сиёсатида алоҳида ўрин тутаяди, чунки худудлар ўртасидаги иқтисодий тафовутларни камайтириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун банк кредитларининг ўрни катта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудий иқтисодий ривожланиш ва кредитлашни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 5789-сонли Фармони худудий кредитлашни рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, тижорат банкларини қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларига кўпроқ молия ажратишга ундади¹. Шунингдек, банклар томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига йўналтирилган кредитлар ҳажми ҳам ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, худудий кредитлаш жараёнида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улардан бири — юқори фоиз ставкалари ва молиявий саводхонликнинг пастлиги ҳисобланади. Айниқса, қишлоқ худудларида инфратузилманинг ривожланмаганлиги ва банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги муҳим тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. 2023 йилда Ўзбекистондаги кредитлаш ҳажми 496 триллион сўмни ташкил этган бўлса-да, айрим чекка худудлардаги иқтисодий фаоллик ҳали ҳам паст даражада².

Худудий кредитлашни самарали йўлга қўйиш ва уни янада ривожлантириш учун тижорат банклари ва давлат ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, шунингдек, ривожланган мамлакатлар тажрибасини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Мақолада тижорат банкларининг худудларни кредитлаш жараёнидаги роли, унинг иқтисодий ривожланишга таъсири ва бу жараённи яхшилаш имкониятлари таҳлил қилинади.

Материал ва метод. Мазкур мақолани тайёрлашда тижорат банкларининг худудларни кредитлаш ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган манбалар ва Жаҳон банкининг маълумотлари таҳлил қилинди. Қиёсий таҳлил методи асосида ҳар бир мамлакатдаги кредит тизими ва уларнинг худудий ривожланишга қўшган ҳиссаси ўрганилди.

Натижалар. Тижорат банкларининг худудий кредитлашдаги ролини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, қишлоқ худудларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларларга (КБХТ) кредит бериш тарихий жиҳатдан кам бўлган. Бироқ, ҳукумат ташаббуси билан сўнгги йилларда кредитлаш ҳажмини оширишга ёрдам берди. Иқтисодчи олим Шодмонов қайд этганидек, қишлоқ худудларида КБХТларга кредит бериш аввал паст даражада бўлган бўлса-да, давлат дастаклаган дастурлар қишлоқ худудларида кредит олиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим рол

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудий иқтисодий ривожланиш ва кредитлашни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 5789-сонли фармони. (2019). www.lex.uz

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2023). "Макроиқтисодий кўрсаткичлар ва пул-кредит сиёсати тўғрисидаги ҳисобот." www.cbu.uz

ўйнаган³. Айниқса, Фарғона водийси ва Қорақалпоғистон каби қишлоқ ҳудудлари етарли инвестиция жалб қилолмаётган ҳудудлар ҳисобланади, деб таъкидлайди Содиқова⁴. Унинг фикрига кўра, ушбу ҳудудлардаги муаммолар кўп ҳолларда банк секторининг консерватив кредитлаш мезонлари билан боғлиқ бўлиб, бу мезонлар кўпинча ҳудудларнинг иқтисодий эҳтиёжларига тўғри келмайди.

Қолаверса, ҳукумат Бухоро ва Хоразм вилоятларида қишлоқ хўжалиги ва саноат каби асосий соҳалар учун махсус кредит дастурларини жорий қилди. Ушбу дастурлар банкларни ҳудудий лойиҳаларга кўпроқ инвестиция киритишга ундаш учун субсидиялар ва солиқ имтиёзлари билан тўлдирилган. Каримов (2021) маълумотларига кўра, давлат томонидан қўллаб-қувватланган ташаббуслар айрим муваффақиятларга эришган бўлиб, 2018-2020 йиллар оралиғида ҳудудлардаги кредит портфеллари тахминан 15% га ошган⁵. Шунга қарамай, юқори фоиз ставкалари ва кичик корхоналар учун капиталдан фойдаланишнинг чекланганлиги каби муаммолар ҳали ҳам муҳим тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Инфратузилмани ривожлантириш ҳудудларни кредитлаш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи яна бир муҳим омил ҳисобланади. Банклар, одатда, яхши ривожланган инфратузилмага эга ҳудудларда кредит беришга кўпроқ мойил бўлади. Инфратузилманинг сустлиги кўп қишлоқ ҳудудларида кредит олиш йўлида муҳим тўсиқ бўлиб, бу кредит бериш харажатларини оширади ва тўловлар қайтарилиши кўрсаткичларини пасайтиради. Раҳмонов ва Ибрагимов (2019) тадқиқотларига кўра, яхши инфратузилмага эга бўлган Тошкент ва Самарқанд вилоятларида кредитлаш ҳажми инфратузилмаси ривожланмаган Сурхондарё ва Хоразм ҳудудларига нисбатан анча юқори бўлган⁶.

Шунга қарамай, ижобий тенденцияларга қарамасдан, Ўзбекистонда ҳудудий кредитлаш соҳасида бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Айниқса, юқори фоиз ставкалари қишлоқ ҳудудларидаги қарз олувчилар учун катта тўсиқ бўлиб қолмоқда. Кўп ҳолларда, ҳудудий кредитлар бўйича фоиз ставкалари йиллик 15-20% оралиғида бўлиб, бу кўплаб эҳтимолий қарз олувчиларни чўчитади. Қолаверса, қишлоқ ҳудудларида етарли гаровнинг йўқлиги ҳам кредит олишни мураккаблаштиради. Яна бир муҳим масала – бу Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларидаги молиявий саводхонликнинг пастлиги бўлиб, бу шахслар ва корхоналарнинг кредитлаш жараёнида тўғри йўл тутишларини чеклайди. Насриддинов (2020) таъкидлаганидек, юқори фоиз ставкалари ва ушбу тузилмавий муаммолар қарз олишни қийинлаштиради ва у давлат томонидан кафолатланган дастурлар бу ставкаларни пасайтиришга ёрдам беради, деб ҳисоблайди⁷.

Ҳудудларни кредитлаш самарадорлигини ошириш масаласи иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Мазкур саволга жавоб

³ Shodmonov, M. (2021). "Regional Lending in Uzbekistan: Challenges and Prospects." *Uzbekistan Economic Journal*.

⁴ Sodikova, G. (2020). "Commercial Banking and Regional Development in Uzbekistan." *Central Asia Finance Journal*.

⁵ Karimov, B. (2021). "Government Policies on Regional Lending: An Assessment." *Uzbekistan Financial Review*.

⁶ Rahmonov, R., & Ibragimov, K. (2019). "Infrastructure and Regional Lending: The Case of Uzbekistan." *Economic Studies of Central Asia*.

⁷ Nasriddinov, T. (2020). "Challenges in Regional Lending in Uzbekistan." *Central Asian Economic Review*.

беришдан олдин, ҳудудий кредитлашнинг иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатиши ва нима учун уни самарали йўналтириш зарурлигини тушуниш лозим. Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши бутун мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун асосий воситалардан биридир, чунки ҳар бир ҳудуд алоҳида иқтисодий ресурсларга, имкониятларга ва муаммоларга эга. Шу боисдан, ҳудудий ривожланиш жараёнида тижорат банклари ва улар томонидан амалга ошириладиган кредитлаш фаолияти муҳим ўрин тутди.

Аввало, ҳудудларда тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Банклар томонидан ажратиладиган кредитлар орқали кичик ва ўрта корхоналар ўз фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги иш ўринларини яратиш имкониятига эга бўладилар. Шу орқали ҳудудлардаги иқтисодий фаоллик ортиб, аҳолининг даромадлари кўпайишига ва ҳаёт даражасининг яхшиланишига ҳисса қўшилади. Бироқ, бу жараённинг тўғри ва самарали амалга ошириши учун кредитлаш механизмларини яхшилаш зарур.

Биринчидан, ҳудудларнинг барқарор иқтисодий ривожланиши учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларнинг ҳажми ва сифатини ошириш зарур. Кўп ҳолларда ҳудудий кредитлашнинг етарли даражада ривожланмагани сабабли, айрим ҳудудларда иқтисодий ўсиш сустлашади ва тадбиркорлик фаолияти чекланади. Бу эса ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни янада чуқурлаштиради. Масалан, Тошкент вилояти каби ривожланган ҳудудларга нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари каби иқтисодий жиҳатдан заиф ҳудудларда кредит ресурсларининг етишмаслиги натижасида корхоналар фаолиятини кенгайтириш имконияти камади. Бу эса иқтисодий фаолиятнинг бир меъёردа ривожланмаслигига ва ҳудудлар ўртасида иқтисодий тафовутлар юзага келишига сабаб бўлади. Шундай экан, ҳудудий кредитлаш самарадорлигини ошириш орқали мамлакатнинг барча ҳудудларида бир хил иқтисодий шароитларни яратиш, корхоналарга қўллаб-қувватлов бериш ва ҳудудлар ривожланишини таъминлаш мумкин.

Иккинчидан, ҳудудий кредитлашнинг самарадорлигини ошириш орқали кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мумкин. Кичик ва ўрта бизнес кўпгина ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг локомотиви ҳисобланади. Улар янги иш ўринлари яратиш, инновациялар жорий қилиш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Ҳудудларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун эса молиявий ресурслар етишмаслиги кўпгина ҳолларда тўсқинлик қилади. Тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар орқали кичик ва ўрта бизнес ўз фаолиятини кенгайтириши, янги маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариши мумкин. Бунда, айниқса, ҳудудлардаги қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига қаратилган кредитлаш дастурлари муҳим ўрин тутди. Кредитлашнинг самарадорлигини ошириш орқали банклар ўзларининг фаолият кўрсатиш доирасини кенгайтириши, ҳудудларда янги бизнес

субъектларини қўллаб-қувватлаши ва ҳудудий иқтисодий ўсишга туртки бериши мумкин.

Мунозара. Тадқиқот жараёнида амалга оширилган таҳлиллар ва ўрганилар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳудудларга йўналтирилган кредитларнинг самарасизлиги мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш жараёнида қўллаб-тўсиқлар ва муаммоларни юзага келтирмоқда. Ҳудудий кредитлаш давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш учун муҳим восита ҳисобланади. Бироқ, мавжуд таҳлиллар ва статистик маълумотлар ҳудудларга йўналтирилган кредитлар самарадорлиги етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Бунинг сабаблари ва уни аниқлаш йўллари бир қатор омилларга боғлиқдир.

Биринчи навбатда, ҳудудларга ажратилаётган кредитларнинг молиявий ресурслардан самарали фойдаланилмаётганлиги билан боғлиқлигини айтиш мумкин. Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида ажратилаётган кредитларнинг иқтисодий фаолликка таъсири паст бўлиб қолмоқда. Масалан, мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи ҳудудларида фермерлар ва қишлоқ хўжалиги субъектларига йўналтирилган кредитлар етарли даражада самарали эмас. Бунга фермерлар ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлиги пастлиги, кредитлаш жараёнида тўғри молиявий режалаштириш ва бошқарув механизмларининг мавжуд эмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Натижада, ажратилган кредитлар тўлиқ самара келтирмай, ривожланишга қаратилган мақсадларга эришиш имкониятини бермайди.

Иккинчидан, ҳудудий кредитлашнинг самарасизлиги кредитларнинг нотўғри йўналтирилишида ҳам намоён бўлади. Баъзи ҳолларда, кредитлар ҳудудий иқтисодий эҳтиёжлар ва имкониятлардан келиб чиқиб эмас, балки муайян манфаатдор шахсларнинг таъсири остида тақсимланиши мумкин. Бу ҳолат коррупция ва хуфёна иқтисодиётнинг юқори даражада эканлигини кўрсатади. Масалан, ҳудудларда фаолият юритувчи кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилиши керак бўлган кредитлар айрим ҳолларда йирик компанияларга ёки мансабдор шахслар билан боғлиқ лойиҳаларга йўналтирилади. Бу эса тадбиркорлик фаолиятининг камайиши ва ҳудудий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади.

Ҳудудларга йўналтирилган кредитларнинг самарасизлиги, шунингдек, иқтисодий инфратузилма ва қулай шарт-шароитларнинг етишмаслиги сабабли ҳам юзага келади. Ажратилган кредитлар орқали қишлоқ жойларида иқтисодий фаолликни ошириш ва янги корхоналар ташкил қилиш кутилса-да, инфратузилма етишмаслиги бу жараённи мураккаблаштиради. Масалан, йўллар, электр энергияси таъминоти ёки сув инфратузилмаси етарли бўлмаган ҳудудларда ажратилган кредитлар самарали фойдаланилмаслиги мумкин. Бунга қўшимча равишда, банк хизматларининг чекланганлиги ёки кредитлаш шароитларининг паст даражада эканлиги ҳам ҳудудий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади. Кредит олиш жараёнида тадбиркорлар ва фермерлар молиявий ресурслардан фойдаланишга

қийинчиликларга дуч келадилар, бу эса кредитларнинг самарасизлигини келтириб чиқаради.

Бошқа бир муҳим омил шундаки, ажратилаётган кредитларнинг ҳажми ва фоиз ставкалари иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларига мос келмайди. Худудларга ажратилаётган кредитлар ҳажми кўпгина ҳолларда етарли бўлмайди. Масалан, 2021 йилда банклар томонидан худудларга йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми ЯИМнинг 25% ни ташкил этган бўлса, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 40% ва ундан юқорини ташкил қилади⁸. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун йўналтирилган кредитлар етишмаслиги уларнинг фаолиятини чеклайди, янги иш ўринлари яратиш имконияти камаяди. Бундан ташқари, кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг юқорилиги ҳам тадбиркорларнинг кредит олишга бўлган талабини камайтиради. Кўп ҳолларда, кичик корхоналар учун 16-17% фоизли кредитлар олиш ортиқча молиявий юк бўлиши мумкин, бу эса иқтисодий фаолликнинг пасайишига олиб келади.

Хулоса. Амалга оширилган ўрганишлар ва таҳлиллار натижасида қуйидаги умумий хулосаларни шакллантирдик:

-худудий кредитлаш самарадорлигини ошириш орқали кичик бизнес ва хусусий корхоналар фаолиятини кенгайтириш, инфратузилмани ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш имконига эга бўлади. Бу жараён мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Худудий ривожланиш самарали кредитлаш орқали мамлакатнинг барча худудларида иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга ёрдам беради;

-кичик бизнес ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мамлакат иқтисодиётининг локомотивидир, айниқса ривожланаётган худудларда уларнинг ривожланиши муҳимдир. Худудларга йўналтирилган кредитлар орқали кичик ва ўрта бизнеслар ўз маҳсулот ва хизматларини кенгайтириш, янги бозорларга чиқиш ва инновациялар жорий қилиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш янги иш ўринлари яратишга ва аҳолининг даромадларини оширишга ёрдам беради. Бу эса худудларда ижтимоий муаммоларни камайтиришга ва аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга хизмат қилади;

-худудий кредитлашда коррупция ва шаффофликнинг етишмаслиги муҳим тўсиқлардан бири ҳисобланади. Ажратилган кредитлар нотўғри йўналтирилганида, худудий ривожланиш секинлашади ва тадбиркорлар учун молиявий манбалардан фойдаланиш қийинлашади. Коррупция тижорат банкларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, инвестицияларнинг самарасиз тақсимланишига олиб келади. Шаффофликни ошириш ва коррупцияга қарши курашиш орқали худудий кредитлашнинг самарадорлигини яхшилаш мумкин;

⁸ Central Bank of Uzbekistan. (2022). Annual Report on Banking Activities in Uzbekistan. www.cbu.uz

-худудларга йўналтирилган кредитлар самарадорлиги кўп жихатдан инфратузилманинг ривожланганлигига боғлиқ. Қишлоқ худудларида йўллар, электр таъминоти, сув ва телекоммуникация каби инфратузилма етишмаслиги кредитларнинг тўғри сарфланишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун, инфратузилмани ривожлантириш худудий кредитлаш самарадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, инфратузилмани яхшилаш худудий ривожланишга йўналтирилган кредитларнинг самарадорлигини ошириш учун асосий омил ҳисобланади. Давлат томонидан инфратузилмага йўналтирилган сармоялар ва банклар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳалари худудларда иқтисодий фаолликни ошириб, банк кредитларининг қайтарилиши ва самарали сарфланишини таъминлайди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. **Central Bank of Uzbekistan.** (2023). "Annual report on monetary policy and banking system development." Available at: www.cbu.uz
2. **Decree of the President of Uzbekistan No. 5789.** (2019). "On measures to further enhance regional lending and support for small and medium enterprises." Available at: www.lex.uz
3. **Karimov, R.** (2021). "Challenges in Rural Financing in Uzbekistan: An Analytical Overview." *Journal of Central Asian Economics*, 45(2). Available at: www.caeconjournal.com
4. **Rahmonov, A. & Ibragimov, S.** (2019). "Infrastructure Development and its Impact on Regional Lending in Uzbekistan." *Economic Research Journal*. Available at: www.erj.uz
5. **Shodmonov, B., et al.** (2020). "Expanding Access to Credit for SMEs in Rural Uzbekistan: Government Initiatives and Results." *Economic Policy Review*, 38(4). Available at: www.epr.uz
6. **World Bank Group.** (2022). "Uzbekistan Economic Update: Expanding Financial Inclusion." Available at: www.worldbank.org
7. **Transparency International.** (2022). "Corruption Perception Index 2022: Uzbekistan." Available at: www.transparency.org
8. **Nasriddinov, M.** (2020). "Financial Literacy and its Role in Expanding Access to Credit in Uzbekistan." *Uzbek Banking Association Bulletin*. Available at: www.uba.uz
9. **Jahon Banki Ma'lumotlari.** (2023). "Moliyaviy ko'rsatkichlar va iqtisodiy tahlil." Available at: www.worldbank.org
10. **Uzbekistan Banking Sector Overview.** (2023). "The state of regional lending in Uzbekistan." Available at: www.bankingoverview.uz

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

